Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

ГАЗЕТА 1966 ЙИЛ 1 ИЮЛДАН ЧИҚА БОШЛАГАН. • № 137 (6. 028) • 1986 йил 16 июнь, душанба • Баҳоси 3 тийин.

# КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросида

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси 13 июнь куни бўлиб ўтган мажлисида партия XXVII съезди қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган мамлакатни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986-1990 йилларга мўлжалланган давлат плани асосий кўрсаткичларини муҳокама қилди. СССР Министрлар Советида шу планни тайёрлаш ишлари ниҳоясига етказилди.

Мажлисда таъкидлаб ўтилганидек, ўн иккинчи беш йиллик планида совет жамияти тараққиётини жадаллаштиришнинг КПСС Марказий Комитети 1985 йил апрель пленумида ишлаб чиқилган, КПСС XXVII съезди бойитган ва маъқуллаган стратегияси ўз ифодасини топган. План лойиҳаси экономика ривожи суръатлари ва самарадорлигини оширишга, совет халқининг фаровонлигини янада ўстиришни таъминлашга, мамлакатнинг мудофаа қобилиятини муносиб даражада сақлашга қаратилган. Шу мақсадда халқ хўжалигини фан-техника тараққиёти асосида интенсив ривожланиш йўлига қатъиян буриб юбориш мўлжалланмоқда. Мавжуд ишлаб чиқариш аппаратини техника билан кенг миқёсда қайта қуроллантириш ва реконструкция қилиш, экономикани сифат жиҳатдан қайта қуриш чора-тадбирлари белгиланди. Бунинг учун тегишли капитал маблағ ва моддий ресурслар кўзда тутилади, машинасозликни ҳамда халқ хўжалигининг техникавий савиясини белгилаб берувчи бошқа тармоқларни илдам ривожлантиришни таъминлаш назарда тутилади.

Моддий ва меҳнат ресурсларини ўстиришни анчагина камайтириб, юқори пировард натижалар олиниши лозим. Мана шундай шароитда ресурсларни тежаш халқ хўжалигининг хом ашёга, ёқилғи ва энергияга ошиб борувчи эҳтиёжларини қондиришнинг жуда муҳим манбаига айланади, иккиламчи ресурсларни ишга солиш анча кўпайтирилади. Яқин истиқболда дунёдаги энг юксак меҳнат унумдорлигига эришишдан иборат программавий вазифани ҳал этишга қаратилган тадбирлар комплекси белгиланди. Маҳсулотнинг техникавий даражаси ва сифатини жиддий равишда ошириш имконини берадиган бир қанча иқтисодий ва ташкилий проблемаларни ҳал қилиш кўзда тутилмоқда.

Ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш суръатларини план лойиҳасида белгиланганидек жадаллаштириш партиянинг экономикани ривожлантиришда социал йўналишни кучайтиришга, совет кишиларининг фаровонлигини янада юксалтиришга қаратилган йўлини изчиллик билан амалга ошириш учун моддий негизни вужудга келтиради. Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни ошириш, уларнинг истеъмол қилиниш хусусиятларини яхшилаш ҳамда турларини кўпайтириш ва айни вақтда хизмат соҳасини тез ривожлантириш аҳолининг эҳтиёжларини қондириш даражасини анча ошириш имконини беради. Уй-жой қурилишини янада кенгайтириш ва социал-маданий соҳа барча тармоқларининг моддий базасини мустаҳкамлаш тадбирлари белгиланмоқда.

Сиёсий бюро бошқарув ва планлаштириш системасини такомиллаштириш, хўжалик механизмининг мамлакат экономикаси олдида турган вазифаларни ҳал этишга таъсирини кучайтириш соҳасида собитқадамлик билан ишлаш зарурлигини таъкидлаб ўтди, халқ хўжалигини ўстиришнинг беш йиллик план лойиҳасида белгиланган юксак суръатлари мамлакат барча меҳнаткашларининг куч-ғайратларини имкони борича кўпроқ сафарбар қилишни, уларнинг ижоди ва ташаббускорлигини ҳар томонлама ривожлантиришни талаб қилишини таъкидлади.

Совет Иттифоқи ва қардош социалистик мамлакатларнинг иқтисодий тараққиёт планларини мувофиқлаштириш соҳасидаги ишларни янада кучайтириш, уларнинг фан-техника соҳасидаги ҳамкорлигини, корхоналар ва бирлашмалар ўртасидаги бевосита ишлаб чиқариш алоқаларини чуқурлаштириш борасидаги вазифалар алоҳида уқтириб ўтилди. Сиёсий бюро Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар сиёсий маслаҳат комитетининг 1986 йил 10—11 июнда Будапештда бўлиб ўтган навбатдаги кенгаши ишида қатнашган совет делегациясининг ҳисоботини кўриб чиқиб, иттифоқчи мамлакатлар олий раҳбарларининг вужудга келаётган халқаро вазиятни коллектив бўлиб таҳлил этишининг муҳим аҳамиятини таъкидлади.

Женева аҳдномалари руҳида ҳаракат қилишни, халқларнинг хоҳиш-иродаси билан ҳисоблашишни хоҳламаётган АҚШ маъмуриятининг хатарли ташқи сиёсат йўли, империячилик, жаҳонгирлик майллари шу вазият кескинлашганлигининг асосий сабабидир. Мана шу мураккаб шароитда қардош мамлакатлар сиёсий мулоқотни давом эттириш ва чуқурлаштиришга ҳаракат қилмоқдалар, қурол-яроғларни чеклаш, халқаро аҳволни соғломлаштириш, давлатлар ўртасида амалий ҳамкорлик қилиш имкониятларини сабот билан тинимсиз излашни ўз бурчлари деб ҳисоблайдилар. Бу принципиал йўл ўз мамлакатларини идора қилаётган партияларнинг хавф-хатарсиз дунёни барпо этишнинг реал йўлларини белгилаб берган съездлари қарорларида баён этилган.

Кенгаш оммавий қирғин қуролини батамом тугатиш юзасидан СССР олға сурган программани, ядровий синовларни тўхтатиш йўлидаги конкрет қадамларни, ядровий ва космик қуролларга бағишланган Совет — Америка музокараларидаги совет делегациясининг позициясини маъқуллади. Сиёсий маслаҳат комитети қабул этган Европадаги қуролли кучларни ва оддий қурол-яроғларни кенг миқёсда қисқартириш программаси қуролланиш пойгасини тўхтатиш учун курашга яна бир муҳим ҳисса бўлиб қўшилди.

Кенгашда социалистик давлатларнинг мудофаа ҳарбий-сиёсий иттифоқини янада мустаҳкамлаш, уларнинг турли соҳалардаги ҳамкорлигини ривожлантириш муҳимлиги тасдиқланди. Халқаро ишларда, хавфсизликни таъминлашга, ядро уруши хавфини тугатишга ва ялпи тинчликни мустаҳкамлашга қаратилган ва келишиб олинган ташқи сиёсат йўлини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда янада фаол ўзаро баҳамжиҳат ҳаракат қилишнинг аҳамияти қайд этилди.

Сиёсий бюро ўртоқ М. С. Горбачевнинг Венгрия Халқ Республикасига қилган дўстона визити, унинг ВСИП Бош секретари Я. Кадар билан ва венгриялик бошқа раҳбарлар билан учрашувлари якунларини кўриб чиқиб маъқуллади. КПСС билан ВСИПнинг социализмни ривожлантиришнинг, қардош мамлакатлар ўзаро баҳамжиҳат ҳаракатларини такомиллаштиришнинг замон ўртага қўяётган барча принципиал масалалари хусусидаги тўла бирлиги мамнуният билан уқтириб ўтилди. Будапештда самимият ва дўстлик муҳитида, иккала мамлакатнинг ички ривожи ва халқаро сиёсати энг муҳим масалаларини чуқур таҳлил этиш ва шу масалалар хусусидаги фикрлашувлар руҳида ўтган учрашув ва суҳбатлар Совет Иттифоқи ва Венгрия халқларининг туб манфаатларига мос бўлиб тушадиган самарали Совет—Венгрия ҳамкорлиги учун янги омиллар бахш этади. Совет партия, давлат, хўжалик органларига визит якунларидан келиб чиқадиган аҳдномаларни амалий равишда рўёбга чиқариш юзасидан топшириқлар берилди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг мажлисида партия ва давлат қурилишининг, шунингдек совет ташқи сиёсатини турмушга татбиқ этишнинг бошқа баъзи масалалари ҳам муҳокама қилиниб, улар юзасидан қарорлар қабул этилди.

## Замондошимиз



У ўз меҳнатидан ҳамиша мамнун. Мамнунлигини ҳеч кимдан яширмайди. Қувонганда чин дилдан қувонади. Ишлаганда ҳам худди шундай. Иш ҳафтасининг биринчи куни — душанба бошқалар учун «оғир кун» саналадиган бўлса, унинг учун енгил. Навбатдаги иш кунларидан бири деб қарагани учун ҳам енгил.

Меҳнат биографияси оддийгина: ўрта мактаб, 1976 йил. Тошкент Политехника институти. 1981 йилда эса шу олий ўқув юртини битирган. Айни пайтда Коммунал хўжалик министрлигига қарашли «Узгипрокоммунинжпроект» институтида инженер бўлиб ишламоқда. Комсомол аъзоси. «Коммунистик меҳнат зарбдори».

Институт коллективи республикага коммунал объектларнинг лойиҳасини тайёрлаб беради. Уларда инженер Ҳанифахон Алимованинг ҳам муносиб улуши бор. Ўй-фикрлари, ижодий ғоялари мужассамлашган ушбу лойиҳалар одамларга қувонч бахш этадиган кўркам объектларга айланса—унинг севинчу шодлиги шунда.

Беш йиллик муддат етук инженер бўлиш учун балки камлик қилар!.. Бироқ у ўз ишини қўлидан келганча ҳалол бажаришга, яхшироқ ишлашга ҳаракат қилади. Ҳа, ҳамма гап мана шу ҳаракатда... Унинг натижаси албатта яхши бўлади. Инженеримиз буни яхши тушунади. Шу сабабли ўз коллективида ҳурмат-эътибори ҳам яхши.

Суратда; Ҳ. Алимова.

Т. Каримов фотоси.



# КПСС XXVII СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ— ҲАРАКАТИМИЗ ҚЎЛЛАНМАСИ

## МАШИНАСОЗЛАРНИНГ БИРИНЧИ ШАНБАЛИГИ

**Тольяттидаги Волга автомобиль заводи меҳнатчиларининг бу йил бўш кунларида камида тўрт кун касалхона, мактаб ва маданият уйлари қурилишида ишлаб бериш ҳақидаги ватанпарварлик ташаббусига биринчилар қаторида қўшилган «Ташсельмаш» заводининг О. Карпова бошлиқ фрезерчилар бригадаси биринчи шанбалик кунини муваффақиятли ўтказди.**

Заводнинг марказий кириш йўлаги ёнида шинам майдонча кўзга ташланади. Унча катта бўлмасада бу майдонча бежирим ва кўркамлиги билан киши диққатини ўзига тортиб туради. Ўртага ўрнатилган мармар плиталарда турли фамилияларни ўқиш мумкин. Плитанинг қоқ ўртасида «1941—1945» деган сўзлар ёзилган. Унинг тепасига эса ишчи ва солдатнинг барельефи туширилган. Барельеф тагига «Ҳеч ким, ҳеч нарса унутилмайди», деган сўзлар ёзиб қўйилган.

Улуғ Ватан урушига кўнгиллилар қатори кетган «ташсельмаш»ликлардан юз киши фронтдан қайтмади. Улар Ватан учун жонларини қурбон қилишди. Завод тарихини қисман бўлсада акс эттирувчи бу мемориал комплексни корхона ишчилари шанбаликларда ҳашар йўли билан бунёд этишди.

Турли саналар шарафига шанбаликлар ўтказиш бу ерда одат тусига кириб қолган. Ҳар бир ҳашар ва шанбаликни коллектив бажонидил қўллаб-қувватлайди, намуна кўрсатиб ишлайди. Кўпинча корхона аҳли биринчи бўлиб ўзи ана шундай шанбаликларнинг ташаббускори бўлиб чиқади.

Бу гал ҳам шундай бўлди. Куйбишев шаҳрида бошланган ташаббус завод ишчиларининг дарҳол диққатини ўзига жалб этди. Биринчи бўлиб корхонанинг Ольга Карпова бошлиқ бригадаси аъзолари бу ташаббусга қўшилди. Кейин уни барча меҳнат аҳли қўллаб-қувватлади.

— Мен ўша куни Волга автомобиль заводи ишчилари билан бўлган учрашувни телевидение орқали кузатиб ўтирардим, — дейди корхона 14-цехининг фрезерчилар бригадаси бошлиғи, Ўзбекистон Компартиясининг XXI съезди делегати Ольга Карпова.—Шунда завод бригадирлари Виктор Фёдорович Чванов ва Сергей Иванович Агаповлар ўз ўртоқлари номидан сўзга чиқиб бу йил бўш кунларида камида тўрт кун касалхона, мактаб ва маданият уйлари қурилишида ишлаб беришни таклиф этдилар.

Ўйланиб қолдим. Хўш, бу ташаббусга биз ҳам қўшилсак-чи, деган фикр келди хаёлимга. Эртасига уни бригадамиз аъзоларига айтдим. Улар фикримга қўшилишди. Кейин бу ҳақда корхона партия ташкилотига маълум қилдик. Шундай қилиб бизнинг бригада шаҳарда биринчилар қаторида бу ташаббусга қўшилди.

Ваъдасига вафодор коллектив айтилган гап қоғозда қолиб кетмаслиги учун ўша кундан бошлаб астойдил ишга киришди. Қачон ва қаерда шанбалик ўтказиш кераклигини билиб олгунча тиниб-тинчимади. Ниҳоят график тузилди. Иш объектлари аниқланди. Яқинда бригада аъзолари биринчи шанбалик кунини муваффақиятли ўтказишди. Улар Чимёндаги «Восток» пионер лагерини ремонт қилиш ва ободонлаштириш ишларида қатнашишди. Шу куни коллектив ўзига қарашли болалар боғчаси ва пионер лагери территорияларини ободонлаштириш ишларини ўз зиммасига олди.

Бу бригадада 27 киши меҳнат қилади. Уларнинг кўпчилигини ёшлар ташкил этади. Гулчеҳра Ражабова, Шаҳноза Тожиметова, Инобат Низомовалар коллективнинг машъаллари ҳисобланишади. Шу кунларда бу меҳнат илғорлари вақтдан ўзиб меҳнат қилишяпти.

Бригадир билан суҳбатимиз давом этади. Ундан илғорлик сири, ташаббуснинг самаралари ҳақида сўраймиз.

— Нима ҳам дердим, — дейди Ольга Карпова жилмайиб. — Меҳнат қилган — элда азиз. Зеро инсонни элга танитадиган, унинг тақдирини белгиловчи биринчи омил ҳам мана шу меҳнат. Демак барча муваффақиятларимиз гарови меҳнатдан.

Шу кунларда коллектив катта режалар билан ишламоқда. Унинг мақсади беш йилликнинг икки йили топшириғини Улуғ Октябрнинг 70 йиллигига қадар бажаришдир. Шу билан бирга коллективда келгуси шанбаликка ҳам пухта тайёргарлик кўрилмоқда. Бажариладиган ишлар плани режалаштириб олинмоқда.

В. КАРИМОВ.

### Қурилишлар ҳашарга чорлайди





**Тошкентдаги 2-темир-бетон буюмлари заводи республика қурилиш индустриясининг энг илғор корхоналаридан бири ҳисобланади. Завод Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги корхоналарини йиғма-темир бетон буюмлари билан мунтазам таъминлайди. Биронбир йирик қурилиш бу корхонанинг маҳсулотисиз битмайди. Завод коллективи ўз буюмларини катта-катта қурилишларга жўнатмоқда.**

**КПСС XXVII съезди қарорларини изчил амалга ошириб келаётган корхона меҳнатчилари ойлик квартал планларини ортиғи билан бажармоқда. Буюртмачиларга ўз вақтида темир-бетон буюмларини етказиб беряпти.**

**Суратларда: энг илғор қолипловчилар бригадаси бошлиғи И. Матаев; бош ишлаб чиқариш корпуси бошлиғи Т. Муҳамадбоев ва электрпайвандчи-қолипчи А. Умаровлар тасвирланган. Улар меҳнатда ўз ҳамкасбларига намуна бўлмоқдалар.**

**Б. Мизроҳин фотолари.**

MEXICO86

# Сўнгги соатда

**ФУТБОЛ БЎЙИЧА XIII ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИДА**

**КЕЧА**

**нимчорак финал ўйинлари бошланди. Леон шаҳрида Ватанимиз футболчилари Бельгия терма командаси билан учрашдилар. Жаҳон биринчилигининг дастлабки босқич турнирида мамлакатимиз терма командаси шиддаткор ўйин кўрсатиб нафақат совет футбол мухлислари, балки чет эллик ишқибозларни ҳам хушнуд этди. Шу боисдан барча чарм тўп мухлислари СССР терма командаси бельгиялик футболчилар билан 1/8 финал ўйинида яна муваффақият қозонади деб умид қилган эдилар. Аммо бельгияликлар ҳам кучсиз рақиб эмас. Буни ҳамма яхши билса ҳам барибир футболчиларимизнинг ғалабага имкониятлари кўпроқ деб ҳисоблашарди.**

**Бироқ бу матч ҳамма кутганчалик бўлмади. Бельгиялик футболчилар имкониятни қўлдан бой бермаслик учун астойдил курашдилар. Натижада кураш ғоятда кескин тус олди ва асосий вақт дуранг билан якунланди —2:2. Чемпионатнинг бундан кейинги ўйинлари олимпия системасида ўтиши муносабати билан командалар учун қўшимча вақт белгиланди. Бундан бельгиялик футболчиларга омад кулиб боқди. Улар 4:3 ҳисобида бу матчда ғолиб чиқдилар. Энди Бельгия терма командаси 1/4 финал ўйинида Дания—Испания терма командалари матчида ғалаба қозонган команда билан учрашади. Шу куни Мехикода Мексика терма командаси болгариялик футболчилар билан майдонга тушишди. Майдон эгалари бу учрашувнинг ҳар бир таймида биттадан тўп киритиб, ютуққа эришдилар. Мексикалик футболчилар энди Марокаш—ГФР матчида ғолиб чиққан команда билан чорак финал ўйинида беллашади.**

**БУГУН**

**нимчорак финал ўйинлари давом этади. Унда Бразилия—Польша, Аргентина—Уругвай терма командалари чорак финалга чиқиш учун ўзаро курашадилар.**

**Об-ҳаво ва саломатлик**

Н. А. Семашко номидаги курортология ва физиотерапия илмий-тадқиқот институти директори, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби, медицина фанлари доктори, профессор Н. М. Мажидов таҳрири остида.

# Чиниқинг, дард кўрмайсиз

Об-ҳаво омиллари таъсирини инобатга олган ҳолда инсон саломатлигини қандай мустаҳкамлаш мумкин. Энг асосийси — метеорологик шароитларга муваффақиятли мослашиш учун дам олишни тўғри ташкил этишни ўрганишдан иборат. Маълумки, толиққан, айниқса чарчаган организм маълум муддат дам олишни тақозо этади. Дам олиш пайтида пасайган иш қобилияти тикланади ва ҳатто яхшиланади.

Ҳар биримиз куннинг турли соатларида кайфиятимиз бир хил бўлмаслигини яхши биламиз. Баъзи пайтда кучқувватимиз қуйилиб келади ва ўзимизни бардам, яхши кайфиятли ҳис этамиз, баъзан эса куч-қувват камайиб толиқишимиз сезилади. Академик И. П. Павлов таъкидлашича, биоритмлар асосий ҳаёт омили ҳисобланади. Бир сутка мобайнида организм жисмоний ва ақлий толиқишни турлича қабул қилади. Одам кечаси соат 2 дан эрталабки 5 гача ва кундузи 12 дан 14 гача бирмунча дармонсиз бўлади. Эрталаб соат 8 дан 12 гача ва кундузи 15 дан 18 гача яна куч-қувватга киради. Ўз вақтида дам олиш биологик ритмларни мустаҳкамлайди, одам ўз юмушларини бажонидил бажаришга киришади ва ташқи муҳитнинг ноқулай таъсирига организмнинг ҳимоя қудратини мустаҳкамлайди.

Дам олиш ҳақида гапирганимизда киши организмини мустаҳкамлашга, пассив ва актив дам олишнинг аҳамиятига тушуниш деб тасаввур этилади. Пассив дам олиш бир маромдаги соғлом уйқудир. Аммо об-ҳавонинг ноқулай таъсири натижасида бир маромдаги уйқу бузилиши ҳам мумкин. Айниқса бу гипертония хасталигига чалинган беморларда учрайди: улар тез-тез уйғонадилар. Об-ҳаво яхши бўлиб беморларга ижобий таъсир этганда, улар серуйқу бўладилар.

Саломатликни мустаҳкамлаш учун бир вақтда уйқуга ётиш ва туришга одатланиш керак. Уйқу учун энг яхши вақт кечки соат 23 дан эрталаб соат 7 гача. Беморлар ҳеч қачон тун пайтида ишламасликлари лозим. Улар табиий уйқуни қочириш мақсадида кофе ёки аччиқ чой ичишга ҳаракат қиладилар. Бу мутлақо нотўғридир. Бундай одат асаб системасини чарчатишга ва организмнинг қаршилик кўрсатишини кескин камайтиришга, иш қобилиятининг бузилишига, ҳаддан ташқари чарчашга олиб боради. Уйқусизлик юз берганда айрим беморлар кучли таъсир этувчи дори-дармонларни қабул этишга киришадилар. Бу одат ҳам мутлақо ноўриндир. Бунинг учун дастлаб табиий воситалардан фойдаланишга ҳаракат қилмоқ керак.

Мириқиб ухлаш учун гигиеник қоидаларга мажбурий риоя қилиш лозим: кечки овқатни тўйиб емаслик, уйқу олдидан очиқ ҳавода 40 минут давомида осойишта сайр этиш, ухлаганда дераза форточкаси (ёз фаслида деразанинг ўзи) очиқ бўлмоғи керак. Бундан ташқари асал қўшилган бир стакан кефир ичиш, хона бўйлаб оҳиста сайр этиш фойдалидир.

Инсон саломатлигини мустаҳкамлашда актив дам олиш жуда ҳам лозим. Сайр этиш, велосипед миниш, пиёда юриш, балиқ овлаш сингари завқли ҳаракатлар кишини бардам-бақувват қилади.

Жисмоний активлик ва метеорологик бардошликни бир маромда сақлаш учун меъёрида пиёда юриш ва сайр этиш фойдалидир. Куннинг исталган пайтида 30-40 минут давомида жисмоний машқларни бажариш муҳим. Буни албатта овқатланишдан икки соат олдин бажармоқ керак. Тажрибалар шуни кўрсатмоқдаки иш куни тугагандан кейин даволаниш мақсадида оз-оз, пиёда юриш билан шуғулланиш мақсадга мувофиқдир.

Массаж катта шифобахш аҳамият касб этади. У томирлар ва қон босими даражасини бир маромга келтиришга ижобий таъсир кўрсатади. Массаждан кейин бошнинг соч қисмида ва бўйин атрофида мия томирлари қон ҳаракати камаяди, йирик қон томирлардаги босим бир мунча пасаяди. Гипертоник хасталикларга учраган беморларга ўз-ўзини массаж қилиш тавсия этилади. Бундан ташқари массаж асаб системасининг иш фаолиятига яхши таъсир кўрсатади, чарчоқни ёзади, ишлаш қобилиятини оширади, терининг нафас олишини яхшилайди, модда алмашинуви янада жадалроқ бўлади.

Булардан ташқари сув процедураларининг аҳамияти катталигини билиш лозим. Сув ҳавога нисбатан инсон танасининг тери қопламларидаги иссиқликни 28 марта кучли ютади. Сувда чиниқишни оз-оздан ҳўл сочиқ билан артинишдан бошламоқ керак. Сув қуйиш бир минутдан ошмаслиги лозим. Дастлаб бўйин, чап қўл, шундан кейин ўнг қўл, кўкрак, елка, оёқлар сувга чайилади. Баданни артишда қон томирлари тузилишига қараб ҳаракат қилиш лозим. Бундай тайёргарликдан кейин душга тушиш мумкин. Дастлаб сув ҳарорати 36 даража иссиқдан ошмаслиги керак. Шундан кейин ҳар куни бир даражадан пасайтириб 20-24 даража иссиққача тушириш мумкин. Бундай сувда чўмилиш 1 — 3 минут давом этиши керак.

Қоидага кўра сув процедуралари эрталабки гигиеник гимнастика ёки даволаш физкультура машқларидан кейин бўлиши лозим.

Организмнинг метеорологик омилларга таъсирини бардошли қилишда тўғри овқатланишга риоя қилиш муҳим аҳамият касб этади.

## Ушбу ҳафта об-ҳавоси

Ушбу ҳафта бошида Ўзбекистон бўйлаб салқин барқарор об-ҳаво сақланиб туради. Кечаси 11—16, кундузи 27—32 даража иссиқ бўлади. Шундан кейин Ўрта Осиё территориясига қуруқ ва иссиқ ҳаво тарқалади. Ҳарорат аста кўтарилади. Кечаси 16—21, кундузи 33—38 даража иссиқ бўлади. Ҳафтанинг охирига бориб кундузги ҳарорат бироз пасайиши мумкин. Ҳафта давомида ёғингарчилик кутилмайди. Ўртача ҳарорат меъёрига яқин бўлади.

Семашко номидаги курортология ва физиотерапия илмий-тадқиқот институтининг медицина метеорологик маълумотлари ва метеорологик профилактика маркази мутахассисларининг фикрига кўра бундай об-ҳаво шароитида беморларнинг кўпчилигида метеорологик реакциялар бўлиши эҳтимолдан кам.

Қуруқ ва иссиқ ҳавонинг ёйилиши ва ҳаво ҳароратининг аста кўтарилиши, айниқса кундузи иссиқ бўлиши, кислород таркиби ва атмосфера босимининг пасайиши кислород етишмаслиги сурункали ҳасталигига учраган беморлар кайфиятига бироз салбий таъсир кўрсатади.

Профилактика мақсадларида бундай беморларга кўпроқ очиқ ҳавода салқинда бўлиш тавсия этилади. Врачлар маслаҳатига кўра нафас олиш машқларини бажариш, сувда чўмилиш, шунингдек, юрак фаолиятини яхшиловчи шифобахш дори-дармонларни қабул қилиш маслаҳат берилади.

